

ЖУҚУҚ

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
6 май, чоршанба

16-17 (29)

Газета 1997 йил 27 августдан
чиқа бошлаган



Данагидан мағзи ширин...

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING XI СЕССИЯСИ

30 апрель - 1 май кунлари Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов иштирок этди ва катта нутқ сўзлади.

Сессиянинг биринчи иш кунинда депутатлар Ер кодексини тасдиқлаб, Қишлоқ хўжалик ширкати, Фермер хўжалиги, Дехқон хўжалиги ҳақидаги қонунларни ҳамда уларни кучга киритиш тартиби ҳақидаги қарорларни қабул қилдилар.

Депутатлар «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда маъқулладилар, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини тасдиқладилар. У 1998 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга киради. Депутатлар хорижий сармоялар ҳамда хорижий сармоядорларга бериладиган қаролотлар ва уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонунларни ҳам қабул қилдилар.

Сессиянинг иккинчи иш кунинда «Горов тўғрисида»ги, янги тахрирда парламентга ҳавола этилган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги, янги тахрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлар ҳам қабул қилинди. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига тақдим этилди.

Сессияда айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Тошкент шаҳар прокуратурасида

ҚОНУН ВА ИЖРО

Тошкент шаҳар прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси М.Наимов бошқариб, йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала юзасидан «Муқаддам содир этилган қасддан одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, босқинчилик ва бошқа оғир турдаги очилмай қолган жиноятлар, қидириладиган шахслар, бедарак йўқолганлар борасидаги ишлар ижросини текшириш якуни»

Ички ишлар идораларида тергов ва суриштирувни ҳамда солиқ идораларида суриштирувни назорат қилиш бўлими бошлиғи О.Нисёзов «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 13-сонли буйруғи талаблари асосида туман прокурорлари томонидан ички ишлар идораларида содир этилган жиноятларга доир аризалар ва маълумот-

ларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилиши юзасидан прокурор назоратининг аҳоли ҳақида» йиғилганларга ахборот берди.

Тошкент шаҳар прокуратурасига мурожаат қилган фуқароларнинг ариза ва шикоятларига қандай муносабатда бўлинмоқда? Шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Ахромов ахбороти «Тошкент шаҳар прокуратураси идораларида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 17-сонли буйруғи ижросининг натижалари» ҳақида бўлди.

Ҳайъат мажлисида кўрилган масалалар атрофида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз).

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШДА

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлиб ўтди.

Уни Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Х.Халимов олиб борди.

Мажлисда «Солиқ тўғрисида»ги қонуннинг ижросига бағишланган масала атрофида муҳокама этилди. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи С.Иматов бу борада омалга оширилмаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Сеймуратов, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси тергов бўлими бошлиғи Ж.Айимбетов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Мажлисда давлат солиқ идоралари билан прокуратура ходимлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги ҳам таъкидланди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
«Жуқуқ» мухбири.

Юзма-юз

МУҲИМ МАВЗУ

Ички қўшинлар бошқармаси маданият саройида Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жағғармаси ташаббуси билан мустақилликка эришганимиздан кейин илк марта «Оммавий ахборот воситаларида ҳарбий - ватанпарварлик мавзусининг ёритилиши ва уни такомиллаштириш масаласида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Семинар-кенгашда марказий газета ва журналлар ижодий жамоаларининг вакиллари ҳамда Ички Ишлар Вазири ўринбосари, ички хизмат полковниги Шавкат Мавлонов, ИИБ ички қўшинлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Х.Хожимов ва Ички қўшинлар бошқармаси бошлиғи ўрин-

босари, шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи, полковник Т.Соатов сўзга чиқиб, оммавий ахборот воситаларида ҳарбий ватанпарварлик мавзусини ёритиш ҳамда уни давр талаблари даражасига кўтариш масалалари ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқладилар.

Семинар-кенгаш сўнггида ҳарбийлар ва журналистлар бундан кейин ҳарбий ватанпарварлик мавзусида тез-тез учрашувлар, мулоқотлар ўтказиб туришга келишиб олишди.

Шундан сўнг ҳарбий ватанпарварлик мавзусида қалам тибраттаётган бир гуруҳ журналистларга эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз).

Ушбу сонда

«ЭРКАГИ ЙЎҚ МАҲАЛЛА»

Мирсалим ота маҳалласини газлаштириш масаласи кўп бор кўтарилди-ю, сира силжиш бўлмади.

2

ВАТАН ИЧРА ВАТАН

Ушбу рукнда берилган саҳифаларда оила, одоб-ахлоқ ҳақидаги ранг-баранг мақолаларни ўқийсиз.

4-6

НОМУС ЎҒРИЛАРИ

Қизчанинги ялиниб-ёлворишлари кўзи қонга тўлган жохилнинг кўнглини юмшатмоди.

7

Хуқуқий маданият

Қонунни яхши билган одам, аввало, унга риоя этишга ҳаракат қилади. Шунинг билан бирга, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини ҳимоя эта билади. Бировнинг ёқасини йиритмас, оддийгина, маданиятли қилиб, айбини яхши-

лаб тушунтириб қўя олади. Агар билмасачи? Ёки ўрганиш имконияти бўлмасачи? Ундан ҳам ёмони - билишни истамасачи? Биз турли касб эгаларига ушбу саволлар билан мурожаат этдик.

ҚОНУНГА ХУРМАТ - УНИ ЎРГАНИШДАН БОШЛАНАДИ

Убайдулла ОРТИҚОВ,
Тошкент шаҳар адвокатлар коллегияси аъзоси:

- Хизмат юзасидан доимо одамлар билан мулоқотда бўлишга, улорнинг дардини, ташвишини тинглашга тўғри келади. Кўп йиллик тажрибандан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бизга мурожаат қилувчиларнинг аксарияти мавжуд қонунларни яхши билишмайди. Негачи?

Аввало, бунинг сабабларини тоталитар тузум давридан излаш лозим. Чунки, коммунистик фирка ҳукмронлиги йиллари суд, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари қонунга эмас, балки бевосита партия қўмиталарига бўйсуниб иш қўрадилор. Одамлар ҳам шу тортубга ўрганишган, бошларига бирон-бир мусибат тушса, биринчи навбатда, райкомга мурожаат этишарди.

Эндиликда бундай тажриба барҳам топди. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар юз фоиз ўз нуфузларига эга бўлдилор. Мустақилликнинг ўтган қисқа даври мобайнида инсон манфаатларини ҳимоя қилувчи, мазмун- моҳияти билан энг ривожланган, энг маданий мамлакатлардагидан сира қолишмайдиган қатор қонунлар қабул қилинди. Лойиҳаларнинг омма ўртасида кенг муҳокама этилгани айниқса, диққатга сазовордир. Бироқ, кўпчилик одамларимиз ҳамон эскича фикрлашдан ҳоли бўлолмаётдилор. Ўзларини мавжуд қонунлар ёрдамида ҳимоя этиш ўрнига, яна муруватли «ҳимоячи»лар истаб, юқори идораларга ариза ва шикоят ёзиш билан овора бўлмоқдалор.

Шу ўринда одамлар ўртасида ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий маданиятни тарбиб этишда оммавий ахборот воситалари, хусусан, радио ва телевидение ўз имкониятларидан етарли фойдаланмаётди. Ниятимиз - мустақил юртимизни ҳуқуқий демократик давлатга айлантириш экан, мавжуд имкониятлардан юз фоиз фойдаланишимиз лозим. Акс ҳолда, кўзланган мақсадга эришиш анча мураккаб кечади.

Фариса ФАРМОНОВА,
Зағзота туманидаги 21-ўрта мактаб ўқитувчиси:

- Мустақиллик туфайли мафкура соҳасида ҳам, маорифда ҳам, маданиятда ҳам бутунлай янгича иш олиб борилапти. Аслида, шундай бўлиши керак. Ҳуқуқий маданият масаласига келсак, бу соҳага ҳам эндиликда алоҳида аҳамият берилапти. Аммо, ўқув юртларида, айниқса, мактабларда ўқувчилар етарли ҳуқуқий билим олиш имкониятларига эга эмаслар. Биринчидан, ўқитувчи кадрлар етишмайди. Ута жиддий соҳа дарсларини малакали юристлар эмас, балки бошқа ижтимоий фанлар ўқитувчилари қўлларидан келганча ўтишяпти.

Тўғри, ҳуқуқшунос ўқитувчилар тайёрлаш осон эмас. Лекин, изланса имконият топилади.

Масалан, милиция, прокуратура, суд ходимлари, қорхоналарнинг юрист-маслаҳатчилари мактаблар билан келишган ҳолда дарс соатларининг маълум қисмини ўтиб беришлари ёмон бўлмасди.

«Уларнинг ўз ишлари ошиб-тошиб ётибди», деган эътирозлар бўлиши мумкин. Аммо, давлат аҳамиятига молик иш учун ҳафтасига қч-тўрт соат вақт ажратсалор, ҳеч бўлмаганда, ўсмирлар ўртасида қонунбузарлик ҳоллари бирмунча камайган бўларди.

Элмурод ҚўШМУРОДОВ,
Сирдарё тумани ИИБ ДАН бўлимининг катта позистри,
милиция капитани:

- Ўтган ойда Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан «Ҳаракат хавфсизлиги ойлигининг» ўтказилиши жуда яхши самара берди. Биз бевосита ўз вазифамиздан ташқари, ҳўжалик ва қорхоналарда, ўқув масканларида, жомоат жойларида учрашувлар ўтказиб, катта тушунтириш ишлари олиб бордик. Ойлик давомида шу нарса ойдинлашдики, одамлар ҳатто, оддий йўл қодалорини билишмас экан. Бунинг учун уларни айбламоқчи эмасман. Биз, яъни ДАН ходимлари ҳам ойлик давомида ўзимизнинг кўпгина камчиликларимизни англаб олдик. Хизмат вазифамиз шу, дея қоидабузарларни жазолашга берилиб кетиб, уларга қодалорни ўргатиш, тушунтириш ишларини олиб боришга ҳам аҳамият бераётган эканмиз.

Шаҳсан мен, шундай ҳулосага келдим: ҳайдовчилар ҳам, йўловчилар ҳам аввало, қонун-қодалорни яхши билишлари лозим. Ана шундангина улар қонунларни ҳурмат қиладиган, унга итоат этидиган бўладилор. Уларнинг қонунларни нечоғли яхши билишлари эса кўп жиҳатдан биз, милиция ходимларининг ўз вазифаларимизга масъулият билан ёндошишимизга ва одамлар билан қанчалик яқин муносабатда бўлишимизга боғлиқ экан.

Сўхбатларни Дониёр ХАЛИЛОВ ёзиб олди.

Санация - банкротликка қарши

«ОБОД» НЕГА ОРТГА ЧЕКИНДИ?

Республика санация комиссиясининг қарорига қўра, Қўшқўпир туманидаги «Обод» жомоа ҳўжалигида ҳам иқтисодий соғломлаштириш тадбири жорий қилинди. Биз шу йилнинг февраль ойида ҳўжаликнинг ўтган уч йиллик молия-ҳўжалик фаолияти, қонунчилик аҳволини ўрганиб чиқдик.

Ҳўжаликнинг экин экиладиган майдони 1217 гектарни ташкил этади. Шундан 765 гектарига пахта, 88 гектарига буғдой, 46 гектарига шולי ва 318 гектарига бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари экиб келинган. Жомоа ҳўжалигида сўғроладиган майдонларда деҳқончилик қилиниб, пахта, галла, шולי, мева-сабзавот, полиз экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади. «Обод» ҳўжалиги 1995 йилни 5868 минг сўм фойда, 1996 йилни 12345 минг сўм ва 1997 йилни 16892 минг сўм зарор билан аяқлаган. Эътибор қилган бўлсангиз, қолоқлик ботқоғига тушиш бурунги йилдан бошланган. Биз бунинг сабабларини таҳлил қилиб қўрдик.

Ишлаб чиқариш издан чиқинининг биринчи сабаби, ҳўжаликда мукамал ва оқилона иш юритилмагани бўлса, иккинчиси, контракция ҳамда ички шартномаларни тузиш ва уларнинг бажарилишига еторли даражада аҳамият берилмаганидир. Бундан ташқари, ҳўжаликда дебиторлик қарзларидан кредиторлик қарзлари миқдори кескин ортиб кетган. Дебиторлик қарзлари 6190 минг сўмни, кредиторлик қарзлари эса 96208 минг сўмни ташкил этади.

Ҳўжаликда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда ҳам жиддий ҳатоликларга йўл қўйилган. Бошқарув раислари тез-тез алмаштириб турилган. Кадрлар қўнимсизлиги бошқарув принципларини замонавий талаблар даражасига қўтариш имконини бермаган.

Ҳўжаликда техникаларни сақлашда ҳўжасизлик ҳукм сурган. Ҳўжасизликлар туфайли ҳўжаликка 44645 сўм моддий зарар етказилган. Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан бош муҳандис К.Собировга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Биз текшириш давомида жомоа ҳўжалигидаги болалар боғчаларида ҳам қонунбузарликлар содир этилганлигини гувоҳи бўлдик. «Роҳат» болалар боғчаси мудираси Ш.Раҳимова 1997 йилнинг январь, февраль, март, апрель, май, декабрь ойларида нормада белгиланганидан ортиқча озик-овқат маҳсулотларини ҳаражатта чиқариб юборган. У ана шу йўл билан ҳўжаликка 99769 сўмлик моддий зарар етказган. «Нафосат» болалар боғчаси мудираси Б.Раҳимонова ҳам шундай йўл тутиб, ўтган йилнинг 6 ойида 156222 сўмлик зарар келтирган. «Иқбол» болалар боғчаси мудираси М.Қурбонбоева «ойга»да анча илгарилар кетган. У ўтган йил давомида синалган усулни қўллаб, 240189 сўмлик озик-овқат маҳсулотларини талон-тарож қилган.

Туман прокуратураси қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаб, айбдорларга нисбатан қонуний чораларни қўрди.

Ҳабибулло АБДУЛЛАЕВ,
Қўшқўпир туман прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси.

Долзарб мавзу

Одатда баҳор келиши билан тозалик, озодалликка эътибор кучаяди. Чиндан ҳам шаҳарлар, қўрғонлар, маҳаллалар, кўча ва хиёбонларнинг саранжом-саришталигига нима етсин. Теварак-атрофга разм солганда бахри дилингиз очилади. Кўнглингиз равшан тортади, фикрингиз тинчллашади. Ўзингизни қандайдир бардам, тетик ҳис этасиз.

Тозалик-озодалик барчаннинг иши. Бу хайрли юмушга бир бир фуқаро ўз хиссасини қўшмоғи лозим. Мутасадди раҳбарларнинг-ку, масъулияти ниҳоятда катта. Ҳатто, шаҳсан туман ва шаҳар ҳокимлари ҳам озодалик учун жавобгардирлар. Масала шу қадар муҳимки, бу ҳақда яқинда Республикаимиз Президентининг махсус Фармони эълон қилинди. Айниқса, шундан сўнг жойлардаги прокуратура идоралари ҳам бу ишга алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Термиз шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси С.Сафаров шу борадаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисида мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

- Аввало, шу масалага бағишлаб шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишини ўтказдик. Йиғилишга борча маҳаллалар қўмиталари раислари, уй-жойдан фойдаланиш ва коммунал ҳўжалиги бошқармаси, санитария - тозалаш автокорхонаси, «Сув-оқова» ташкилоти, тиббиёт ва болалар муассасалари раҳбарлари, ички ишлар бўлими участка нозирлари ҳамда ҳокимлик бўлим бошликлари таълиф этилиб, уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 2 мартдаги «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони талаблари тушунтирилди. Шундан сўнг санитария қодаларига риоя этиш ва эпидемияга қарши кураш тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан қатор текширишлар ўтказилди. Ва афсуски, анчагина жиддий камчиликлар аниқланди.

Маълумки, бу борада оқова сувларни тозалаш иншоотлари муҳим аҳамиятига эга. Бироқ, негадир ана шу иншоотнинг иккинчи навбатини ишга тушириш пайсалга солинмоқда. Иншоотдаги бешта кўтарма насосдан учтаси носозлиги туфайли ишламай турибди. Сувни хлорлаш ишлари қониксариз аҳволда.

Санитария - коммунал тармоқларидаги қувурларнинг ёрилишлар оқибатида тўртинчи, билинччи кичик доҳалардаги бир нента кўп қаватли уйларнинг

хонаси, вилоят туғруқхонаси бинолари атрофидаги чиқиндилор ўн-ўн бешкунлаб олиб кетилмаётганлиги аниқланган. Санитария - тозалаш автокорхонасининг 40 та транспорт воситасидан тенг ярми ишламаётганини қандай боҳолаш мумкин?

Шаҳар ҳудудидаги чиқинди тўплаш жойлари атрофи тўсиқлар билан тўлиқ ўралмаган. Айрини қимсалар чиқиндиларни дўч келган жойга тўкиб кетаверди. Маҳаллалар қўмиталари эса бундай ноҳуш ҳолларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар-

ТОЗАЛИК - ҲАММАНИНГ ИШИ

ертўралари ичимлик ва оқова сувлар билан тўлиб кетган. Бу сувларнинг қайтиб водопровод тармоқларига тушиши аҳоли ўртасида касалликлар пайдо бўлишига сабаб бўлаётир. «Сув-оқова» ва уй-жойлардан фойдаланиш ва коммунал ҳўжалиги раҳбарлари эса мавжуд камчиликларни тезда бартароф этиш ўрнига сансалорликдан нарига ўтмаяпти.

Халқ таълими тизимига қарашли болалар боғчаларидаги аҳвол ҳам яхши эмас. Кичкинтойлар масканларига етарли миқдорда дезинфекциялаш моддаси етказиб беришга масъулиятсизлик билан қаралмоқда. Болалар чой-шоблари ва ётоқ оқликлари билан тўлиқ таъминланмаган. Мактабларда қайнатилган сув ташкил этилмаган.

Кўчалардаги ахлат ва чиқиндилор ўз вақтида ташиб кетилмаяпти. Шаҳарнинг «Озодалик», «Маърифат» маҳаллаларида, вилоят болалар шифо-

ни қўрмаётир.

Шаҳар Бозорларида ҳам бу борада талайгина нуқсонлар мавжуд.

Шаҳар прокуратураси бундай қонунбузилиш ҳолларининг олдини олиш ҳусусида коммунал ҳўжалик бошқармаси бошлиғи Х. Гибадуллин, «Сув-оқова» ташкилоти бошлиғи А. Шамеров, санитария-тозалаш автокорхонаси директори М. Қодиров ва уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи В. Дьяконовни ёзма равишда оғохлантирди.

Бундан ташқари, шаҳар ҳокими номига тақдимнома йўллаб, бу борадаги назоратни кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Келгуси йили шаҳримизнинг 2500 йиллигини нишонлаймиз. Ана шундай улуг айём арофасида шаҳримизнинг тозаллиги ва ободлиги учун курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Сўхбатдош:
Қўрғон ЖУРАНАЗАРОВ

Оила- жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси).

Эл севган санъаткор

РОЗА ҚАРИМОВА... Унинг номини эшитишнинг биланок лабларингизга беихтиёр табас-сум инади. Кўз олдингизда «Мақомжон»ни ишқидо куйдириб адо қилган Ходича кампир, «Лампа ширш» лақабли секретарь қиз, қадамдан ўт чақнаган раиса аёл гавдаланади. Уларни эшлаш билан кайфиятигиз кўтарилиб, руҳингиз енгиллашади, хуллас, унинг кибфаси билан кўнлингизга қувонч инади. У эса самимий табассуми, очик чехраси билан барчангизга қадрдон, азиз ва таниш. Юртимизда бирор хонандон йўқки, у ҳада этган кулгу, шодлик қилиб бормаган бўлсин. Ҳа, у ҳар биримизнинг дилимизга яқин ҳамқору ҳамнафас. Шунинг учун ҳам эрта баҳордан кеч қузгача дехкон ҳаёлларидо пахтазор кезса, чўпон-чўликлар билан тоғу даштлар оралайди, чорвадор фермерлар билан тоғни қаршилаб, боғбон-соҳибкорлар ила ҳаёдан сўхбатлашади, гоҳ гулу раёнолар, сумбулу райхонлар, қақажон қизлар довраисидо давробошилиқ қилса, маҳмадондо кампирларни оғзига қаратиб «мот» қилади.

Роза опа яратган аёллар образи бир-бирига ўхшамайди. Опа уларнинг ҳар бирига қалб меҳри, маҳорати, истеъдоди билан ўзгача ҳаёт бахш этади. Шунинг учун ҳам у яратган образларнинг барчаси катта-кичиклигидан қатъи назор томошабинларнинг эсидо қолади. Бу эса санъаткордан жуда катта руҳий қувват, машаққат, истеъдод талаб қилади.

Роза опа ўчун актёрлик умрининг мазмуни ҳисобланади. У ҳеч қачон ижод қилишдан, изланишдан қарчмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир қаҳрамон кибфасидо унинг маҳорати билан бирга ҳаётий тажрибаси, турмушда қўрган-кечирганлари, маънавий имкониятлари акс этиб туради. Бу эса шунчаки ўқий, ўрганиш билан амалга оширилмаган иш эмас. Бунинг замирида қон билан кирган истеъдод, қобилият яширидан бўлади. Оллоҳ инояти билан тўрфа этилган бу қобилиятни тарбиялаб қамолот босқичига етказиш эса ҳар кимнинг

иктидорига боғлиқ. Опахон бу нурли йўллардан бир лаҳза бўлсин, чекинмади, орзу умидлар билан яшоди, изланди.

Роза Каримова ўзига топширилган ҳар бир қаҳрамонни хоҳ у ижобий, хоҳ салбий образ бўлсин, саҳнага олиб чиқиш учун катта меҳнат сарфлайди, унга қалб қўрини, маҳоратини бахш этади. У қаерда бўлмасин, ўзининг санъаткорлигини унутмайди. Доимо - кўча-кўйда, тўю маъракаларда одамларни кузатади, уларнинг феъл-атворларини



мўътабар этди.

Роза опанинг санъатга кириб келиши ҳам ўзгача бўлган. Шарқона қадриятлар мисолида ҳаёт кеңирувчи унинг ота-онаси қизларининг актриса бўлишига қарши бўлишган. Аммо, қизалоқнинг бекиёс қобилияти, юлдузлардек порлоқ орзу-умидлари ҳаётининг ҳар лаҳзасида

ён ижод қилган бу икки санъаткорнинг бугун минглаб, миллионлаб мухлислари бор.

Айни кунда Роза Каримова 62 ёшни қаршилаган бўлсалар ҳам, ҳамон ижод гулшанида янги қаҳрамонлар, роллар яратиш ишқи билан яшамоқдалар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Роза Каримо-

ОИЛАНИ СУЯНЧ БИЛГАН АЁЛ



ни ўрганади. Қаҳрамоннинг руҳига мос ҳислатларни одамларнинг ўзидан олиб, яна ўзига тақдим этади. Шунинг учун ҳам яратган образлари халқнинг дилига яқин, ишонарли.

Саҳна санъатидо ишонтириш, бажараётган ролига руҳ (жон) бағишлаш ўта муҳим масала ҳисобланади. Роза опа бунини қалбдан ҳис қилади. Саҳнага чиқиб келадиганиданок, ўзининг маҳорати билан томошабинни испис боғлаб олади. Кулгили ҳолат, имо-ишора, гап-сўзлари билан қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини очоди. Шунинг учун ҳам саҳнада у ҳеч кимга ўхшамайди, ўз йўли, ўз айтар сўзи, ўзига хос, ўзига мос қаҳрамонлари бор. Ана шу фазилату, ўзига хос қаҳрамонлари уни элга танитди, халққа азиз ва

қуриши унинг қалб тўғёнларини янадо алаңгалатиб, маҳоратини чархлоди. Икки етук санъаткорнинг ҳаётда, турмушда, ижодда ҳамқорлиги саҳнада мўъжиза яратди, халқни мафтун этди. Айниқса, «Тош ойна» спектаклидаги улар яратган образлар ўзининг ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги ва ишонарли талқини билан шўхрат қозони.

Ўзбекистон телевидениеси орқали 70-йилларда намойиш этилган «Телевизион миниатюралар театри» томошаларини билар орзикиб қутарди, айниқса, эр-хотин санъаткорларнинг ижро этган ҳар бир роли эл ҳурматино қозонди. Не-не аллома санъаткорлар пойи-қадами теккан ушбу даргоҳда улар ўсиб-унди, халқ севган артистлар бўлиб етишишди. Саҳнада қарийб 40 йил ёнма-

ва иктидорли санъаткор бўлиши билан бирга, кўпчилик ўзбек аёлларига ўхшаган уйим-жойим, рўзгорим, бола-чакам деб қуянуви оқила ўй бекаси, меҳрибон ана, севимли невараларининг азиз бувижонисидир.

Ўғли ота-оналари касбини давом эттирмаган бўлса-да, улардек ўз соҳасининг билимдон мутоҳассиси, иктидорли олим. Номзодлик диссертациясини Болгарияда ҳимоя қилиб, бугун мустақил Ўзбекистон иктисодини юксалтириш нијатида меҳнат қилмоқда. Келини Нигора журналист. Икки нафар бир-биридан ширин фарзандлари бор. Қизи врач, қўеви Ҳасан Мухаммедов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган боксчи.

Роза опа ўчун оила бахт қошонаси. «Оилам менинг сунъатим, бахту тахтим», - дейди у ҳар икки гапининг биринда.

Ҳа, оиласидо бахтиёр, хушуд бўлган кишигина ҳаётда, ижодда ўз ўрнини, бахтини топади.

Роза Каримованинг умид билан чақнаган кўзларидан мен оналик, бекалик, санъаткорлик бахтини, ҳаётдан мамнулик қисматини ҳис қиламан ва бугунги кўтулғ кунда барча аёлларга ўз ҳаётидан қонқишдек буюқ тақдир насиб этишини тилаб қоламан.

Амина ҚОДИРОВА,
журналист.

Оила - муқаддас қўрғон. Ҳар бир инсон энг аввало ана шу муқаддас қўрғонда ақлини танийди. Энг улғу сўз «ОНА», «ВАТАН» сўзларини оиласидо тилга олади.

Оила ҳақида, унинг улғулиги ҳақида жуда кўп сўз юритиш мумкин. Аммо, ҳар бир оиланинг ўз ташвиши ва муаммолари бор. Сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган «Ватан ичра ватан» саҳифамизда уларнинг айримлари ҳақида фикр юритдик.

МЕҲР

Мухтасар мактабга одатдагидай шодон кайфиятда кетди. Онаси сочларини тараб, чиройли қилиб ўриб қўйди. Синфдошлари ҳар доим унга ҳавас қилишади. Ҳаётининг уни саронжом-саришта, озода қиз, деб дўстларига ўрناق қилиб кўрсатади.

Йўлда иккита аёл сўхбатлашиб турган экан, қизалоқ уларга жилмайиб салом берди. Аёллардан бири саломига алик олarkan, иккинчисига қош чимирди:

- Ясантириб қўйганини қаранг, онаси ўғай, деб ҳеч ким ўйламанса керак.

Қизча улардан ўзоқлашаркан, аёлнинг гапини мушоҳада қилолмай қийналди. «У нега онамин ўғай деяпти. Ўғай нима дегани?». Дарс пайтида ҳам ҳаёлидан шу гап кетмади. Ҳаётининг уни вазифасини сўраган эди, жавоб беролмай қийналди.

- Нима, мазанг йўқми? - ўқитувчи унинг кўлларини тутди. - Ҳозир катта синфда ўқийдиган қизларнинг бирига айтаман, сени уйинга элтиб қўяди.

Ўқитувчиси Мухтасарни даҳлизга олиб чиқди. Қаршиларидан ўтиб кетаётган бошқа ўқитувчи аҳвол сўраган эди, муаллимаси бош чайқоди:

- Онаси ўғай-да, минг қилса ҳам ўғайлигини қилиб, қизалоқни қасал ҳолида мактабга юборибди.

Қизалоқ боши айланаётгандай гандирақлаб кетди. Қўлларини ўқитувчисининг қўлидан тортиб олди-да, қичқириб юборди:

- Йўқ, менинг онам ўғай эмас, онам ўғай эмас...

У ҳеч нарсага қарамай ўйига қараб чопди. Муаллима орқасидан қичқирганча, қадамни тезлатди.

Назира ҳамир қараётган эди. Қизчасининг бир алфозда юғриб келадиганини кўриб, апил-тапил ўрнидан турди. Қўлларини артмасдан унга пешвоз чиқди:

- Сенга нима қилди, жоним?

Афсус

ОТАЛИК БУРЧНИ УНУТГАНЛАР

Қадим аждодларимиз инсонлар ўртасидоги меҳр-оқибат, вафо туйғуларини гоғат улғулганлар. Дарҳақиқат, оилдо Ҳазорат хурмат, меҳр-оқибат, вафо ришталари мустаҳкам бўлмаса, бу оила омонат бўлиб қолади. Ажрашиш тўғрисида сўзга оғиз берган эр-хотинларнинг орзаклари қўлчино қаноатлангиларида. Лекин, уларнинг кейинги тақдирини ҳеч кимни қизқирмайдди. Ажрашишдан кейин бола, албатта, онасининг қарамонига қолади. Отана эса, болаларни ўчун ҳар ойда алимент тўлаш мажбурияти юклатилади. Лекин, оталар ўз мажбуриятларини ўтаётими? Гап ана шу ҳақда.

Афсуски, кўп ҳолларда, бундай оталар фарзандларини ота меҳридан маҳрум қилганлари етмагандек, моддий жиҳатдан ҳам уларнинг қийналиб қолишларига сабаб бўлмоқда.

Қонунга кўра, ота-оналар балоғат ёшига етмаган фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлаши шарт. Ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги бурчидан бош тортиши эса жиноят ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилади.

Ҳасис икки марта тўлайди, деган гап бор. Худди шундайлардан бири Б.Абдурашӯлов ҳам 5 ой мобайнида алимент тўламаганлиги

учун, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси билан жавобгарликка тортилиб, 5 ойлик алимент пули 2266 сўмдан ташқари, энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридо яъни 37500 сўм жазима тўлайдиган бўлди.

Бундай қонунбузар оталарга нисбатан қаноқ ҳазоси ҳам белгиланган. 3.Шаймухамедов илгарти ҳам алимент тўламаганлиги учун жавобгарликка тортилар бўлишига қарамай, қатар йиллар давомида алимент тўлашдан бош тортиб келганлиги сабабли, унга 6 ойлик қаноқ ҳазоси белгиланди. Тўламаган 127 ойлик алиментини, яъни 52192 сўмини қомоддан чиққандан сўнг тўлаш мажбурияти суд қарори билан

унинг зиммасига юклатилди. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин.

М.Бозоров, Н.Елагин, О.Белоусов, И.Ибрагимов, Н.Ҳасановлар ҳам алиментларни мунтазам равишда тўлашдан бош тортишлари учун жавобгарликка тортилди.

Утган йилнинг ўзидо Янгиёул шаҳар суди қарори билан 11 та алимент тўлашдан бош тортишлари ўз қарорларини ўзимди. Шуниси ачинарлики, баъзи оталар алимент тўлашга имконияти бўлса-да, фарзандлари олдидаги бурчинини ўнмутиб, ҳар йил йўллар билан ўз мажбуриятини бажармасликка интилади.

Лекин, бундай қимсалар ўзларига

жабр қилдилар, холос. Негаки, қонун бор экан, қонунбузарларга жазо ҳам тайин.

М.КАН,

Янгиёул шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, 3-даражали ҳуқуқшунос.

Журнал саҳифаларида

ДОИМИЙ ҲАМРОҲ

«Қонун Ҳимоясида» журнаlining 3-сони «Бошқармада нима гап?» номли мақола билан бошланган. Республика прокуратурасининг ташкилий назорат ва таҳлилот бошқармаси ҳаётидан ҳикоя қилувчи ушбу муҳтасаргина мақола ўқувчиларнинг тасаввурини кенгайтириш билан бирга бошқарма фаолиятига баҳо беришга ҳам имкон яратди.

Кейинги саҳифаларда Шуманой туман прокурори Кенжеғалий Қорақўзиёвнинг «Вазифамиз - фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, Гурлан туман прокурори Сапарбой Абдуллоевнинг «Ҳалоллик мезонидан чекинилса» мақолалари ҳар иккала прокурорларнинг кузатишлари, тажрибалардан келиб чиқиб ёзилгандир. Унда келтирилган фактлар, мисолларга таҳлилий ёндашилгани ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

Республика прокуратураси криминалистика бўлимининг бошлиғи Малик Эсонов билан журнал муҳбирининг суҳбати мазкур соҳанинг, касб эгаларининг машаққатли меҳнатлари, зиммаларидаги масъулияти ҳақида гап боради. Суҳбат бежиз «Қотиллик фавқулодда ҳолида» деб номланмаган.

«Терговчиға тавсиялар», «Назарий мушоҳада», «Қонун моддаларни шарҳлаймиз» рўкнлари остида эълон қилинган қатор мақолаларни ҳам шунчаки варақлаб бўлмайди. Чўқур мушоҳадалар, қизқарган баёнлар ўқувчиларни ўзига жалб қила олади, деб ўйлаймиз.

«Ваҳдобиёлик илдишлари» мақоласининг биринчи қисми ҳам ушбу сондан ўрин олган. Чўқур тадқиқотлар олиб борган мақола муаллифи - Фаргона вилоят прокурорининг ўринбосари Юнус Абдуллаев ушбу оқим асосчиси, тарихи, шаклланиши, ривожланиши борасида асосли мулоҳазалар юритади. Мақола билан батафсил танишиб чиққан муштарийлар анча нарсалардан воқиф бўладилар.

«Бобурийлар салтанатида давлат бошқаруви» мақоласи мазкур сонда ниҳоя топади. Жосулар оламидан ҳикоя қилувчи туркум мақолалирининг илосманлари ҳам берилган фактлар билан танишиб чиқадилар. «Нафс сиртмоғида» қиссасидаги жожеалар ривожли ўқувчиларни тобора ўзига тортиб турибди. Асарнинг навбатдаги бобларида ҳам саргузаштлар довом этади.

Ҳуқуқшуносларга бир мунча енгиллик туғдиришни кўзлаб Ф.Сатимов тайёрлаган «Ҳуқуқий атамалар луғати» эса мутахассисларнинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолса ажаб эмас.

Н.МАҲМУДОВ,
журналнинг масъул котиби.

ҚИЗГАЛДОҒИМ

Юрагимда ҳилпирлаган қизгалдоғим,
Дилим аро дилдай ўсган қонли доғим,
Қир бағрида қолиб кетган руҳ сўроғим,
Кел, руҳимга осмон қилай қизгалдоғим.
Бола эдим кўлларимни куйдирардинг,
Севилмаган юрақларни суйдирардинг,
Бу дунёни ишқ ўтига тўлдирардинг,
Кел, ишқимга меҳмон қилай қизгалдоғим.
Сен биларсан ҳеч ким билмас армонларим,
Қайга кетди ҳайрат тўла дostonларим,
Бош устингда учар сирли мезонларим,
Кел, дардимга дармон қилай қизгалдоғим.
Сенинг маънос нигоҳингда кимнинг изи,
Япроғингда ёришмоқда гамнинг юзи,
Ўша ёлғон баҳорларнинг ростгўй қизи,
Кел, қалбимга сарбон қилай қизгалдоғим.
Сенинг зангор япроғинга юзим босдим,
Нафис-нафис титроғинга юзим босдим.
О, жавобсиз сўроғинга юзим босдим,
Кел, жонимга жонон қилай қизгалдоғим.

Дилмурод ҚОСИМ.

Келинг, бир қулайлик

СИЗ НИМА ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗ?

Уйдан ҳайдалган эр
хиёбонда ўриндиқ бўяётган
одамдан сўраяпти:
- Оғайни. Нима деб ўйлайсиз,
манови бўяган скамейкангиз
соат тўққизгача қурирмакин?
- Нег сўраясиз?
- Кеч ётишни ёмон кўраман.

ЁЛҒОНЧИМАН

- Ичасанми?
- Йўқ.

- Чекасанми?

- Йўқ.

- Қимор ўйнасанми?

- Йўқ.

- Аёллар билан юрасанми?

- Йўқ.

- Нима биронта нуқсонинг
йўқми?

- Фақат битта нуқсоним бор.

Ёлғончиман.

ИТИМГА РАҲМАТ...

- Менинг кучүгим ҳаётимни
сахлаб қолди.
- Қандай қилиб?

Юридик маслаҳатхона

Ёшим 24 да, Тошкент шаҳрида ишлайман. Шаҳарда ўз
уйим бўлмагани туфайли, бировга қарашли хонадонда
ижарада тураман. Ҳозир тураржой сотиб олишга қурбим
етмайди.

Мени куйидаги саволлар қизиқтиради: Кимлар коммунал
тураржой фондидан уй-жой олиш ҳуқуқига эга? Уй-жой
билан таъминлаш учун фуқароларни рўйхатга олишда зарур
бўладиган шарт-шароит ва талаблар нималардан иборат ва
бу масалада қайси идорага мурожаат қилсам бўлади?

М.Аҳимжонов,
Собир Раҳимов тумани,
Ғафур Фулом кўчаси 3-а уй, 16-хонадон.

УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Республикаси
фуқароларнинг уй-жойга бўлган
ҳуқуқ ва мажбуриятлари қатор
қонун ҳужжатлари, шу жумладан,
Ўзбекистон Республикаси уй-жой
Кодекси, ушбу Кодекс асосида
қабул қилинган норматив харак-
тердаги бошқа қонун ҳужжатлари
ва Ўзбекистон Республикаси Вази-
рлар Маҳкамасининг 1994 йил
28 июндаги 325-сонли «Давлат
уй-жой фонди хусусийлаштирили-
ши муносабати билан норматив
ҳужжатларни тасдиқлаш
тўғрисида»ги қарори билан
тасдиқланган Ўзбекистон Респуб-
ликаси Коммунал уй-жой фонди
тўғрисида Низом билан белгилан-
ган.

Ушбу Низомга кўра, хусусий-
лаштириш ҳуқуқисиз ижара шарт-
ларида фойдаланиладиган
мақсади коммунал уй-жой фонди
меҳнатта лаёқатсиз, ёлғиз, кекса
шахслар, нафақахўрлар ва улар-
нинг оила аъзолари, уй-жойга
эҳтиёжи бўлган илк марта турмуш
қурган ёш оилалар,
фуқароларнинг бошқа кам таъ-
минланган тоифалари учун, агар
уларнинг жон бошига оладиган
оиллик даромади энг кам иш
ҳақидан паст бўлса, давлат ҳоки-
мийатининг жойлардаги органлари
хузурда ташкил этилади.

Низомнинг 1-сонли иловасида
кўрсатилишича, жон бошига ўрта-
ча оиллик даромади энг кам иш
ҳақидан паст бўлган тақдирда ижа-

рага олиш шартномаси бўйича
коммунал уй-жой фондидан турар-
жой бериладиган фуқаролар куй-
идагича белгиланган:

- уруш қатнашчилари ва бай-
налминичи жангчилар;
- офицерлар ва мuddатдан
ташқари хизматдан захирага
бўшатишга эки истеъфога чиққан
ҳарбий хизматчилар;
- касалликнинг оғир шакллари-
га чалинган фуқаролар, Ўзбекист-
он Соғлиқни сақлаш Вазирлиги
тасдиқлаган рўйхат бўйича;
- 16 ёшгача 7 ва ундан зиёд
болалари бўлган кўп болали оила-
лар;

- васийликка олинмаган 16 ёшга
етган ҳеч кими йўқ етим болалар;
- ҳеч кими йўқ етим болаларни
васийликка олган оилалар;
- уч ва ундан зиёд меҳнатта
лаёқатсиз оила аъзолари бўлган
боқувчисини йўқотган оилалар;
- ишламойдиган I ва II гуруҳ
ногиронлари;
- кексайиб қолган ёлғиз пенси-
онерлар;

- болалиқдан ногирон бўлиб
қолган 16 ёшгача ёки болалиқдан
I ва II гуруҳ ногирони бўлиб қолган
болалари бўлган оилалар;
- илк марта турмуш қурган ёш
оилалар, агар улар яшоб турган
жойда икки томонлама турар жой
шароитларини яхшилашга муҳтож
деб топилсалар.

Коммунал тураржой фондидан
уй-жой билан таъминлаш учун

Футбол бўйича
Ўзбекистон
миллий
чемпионати олий
лига жомаслари
навбатдаги тур
ўйинларини
ўтказишди. Ушбу
тур натижалари
қуйидагича
бўлди:

«Пахтакор» - 2:2,
«Трактор» - 2:2,
«Сўғдиёна» -
«Косонсой» - 3:1,
«Насаф» - «Анди-
жон» - 4:1, «Нефт-
чи» - «Дўстлик» -
2:2, МХСК -
«Темирйўлчи» -
2:4, «Зарафшон» -
«Сурхон» - 2:2,
«Навбахор» -
«Бухоро» - 2:1,
«Металлург» -
«Хоразм» - 2:2.



- Ҳакам қаяқда қолди-а?!

Турфа олам

ЭТИК КИЙГАН ИТЛАР

Янги Зеландиянинг Виллинг-
тон шаҳри аҳолиси кўча-кўйда
оёғига этик кийган итларни
кўриб ҳайрон бўлишмоқда. Бу
янги мода ҳам эмас, полиция-
чилар хизмат юзасидан ўз ов-
чаркалари билан тўс-
тўполонли ресторанларга бор-
ганида синган шиша идишлари
қолдиқлари итларнинг
оёқларини кесиб юбормаслиги
учун уларга махсус этиклар
кийдириш экан.

КУЁВ СИНОВДАН ЎТАДИ

Африканинг Банга қабиласи-
да ўтмишдан сақланиб
келаётган қадимий анъана
мавжуд. Бу анъанани бинаон
келин тўй олдидан куёвнинг
жасорати ва чидамлилигини
синаб кўради. Ёниб турган
оловни бир дақиқа куёвнинг
кўкрагига тутади. Агар йигит
бақириб юборса тўй бўлмайди.

«ПОДАНГИЗНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?»

Дунёда саломлашининг,
турли шакли ва усули бор. Бир-
ров кўл олиб қўришса, яна
биров таъзим қилади, ёки
қўлини кўксига қўяди. Баъзи
халқларда одамлар бир-бири-
га бурнини теккизишби салоом-
лашади. Африкада фақат мол
боқиш билан шуғулланидиган
масан қабиласи эса бир-бири-
ни қўришганда «Подангининг
аҳволи қандай?» деб сўрашади.

ҚОЙИЛМАН

Харидор сотувчига:
- Э, қойилман, ука. Бунақа
моҳир сотувчини кўрмаганман.
- Қайси ишимга қойилсан,
биродар?
- Икки литрлик идишимга 3
литр пахта ёғини сиздирдингиз.

УЧ МАРТА ОҚЛАШГАН

Икки маҳбус суҳбатлаша-